

Qishloq НАУЮТИ

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 74. (6.911). Sotuvda erkin narxda

Куннинг муҳим воқеалари

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Андижонда рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил парламент комиссияси аъзолари билан олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати қўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакиллари билан иборат ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди.**
- **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб келган Кувейтнинг Араб иқтисодий тараққиёти текширув комиссияси бош директори уринбосари Хешам ал-Вақая раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси молия вазири Саидхамид Раҳимов билан учрашди.**
- **Франция пойтахтидаги дунёга маълум ва машҳур Отель Де Виль меҳмонхонасининг картиналар галереясида Ўзбекистон халқ рессами, қорақалпоқ фарзанди Жўлибўли Исаеванинг шахсий кўргазмаси очилди.**
- **Тошкент шаҳрида «Ахборот-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси 2005 йил 1 чоракда тижорат банклари фаолияти рейтингини натижаларини эълон қилди. Унда республикадаги 30 тижорат банкининг 23 таси широк эътиборга эришди.**
- **«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ўзбек, инглиз ва рус тилларида «Ўзбек пазандлик санъати» («Узбекское кулинарное искусство», «The art of Uzbek cuisine») номли китобни нашр эттирди.**
- **Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонасида миллий истиқлол гошини тарғиб этишда кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**
- **Қашқадарь вилоятининг Касби ва Қарши туманлари деҳқонлари дон тайёрлаш бўйича йиллик шартнома мажбуриятини бажардилар.**
- **«ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида 1991-93 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида таъвоҳда (WTF) бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари аяқланди. Унда 400 нафар спортчи ўн вази тоғфасида «кирути» ва «тумси» машқлари бўйича болашди.**
- **Фаргона шаҳри ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бўш иш ўринлари учун навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди.**
- **Андижон вилоятидаги ўрта умумтаълим мактабларида спорт кийимлари, футбол, волейбол ва баскетбол туўплари - умумий қиймати 57 миллион сўмдан ортиқ спорт товарлари топширилди.**

Избосканнинг ғалла хирмони



Избосканлик галлакорлар давлат оморларига 18 минг 815 тонна дон топишиб, юзлари ёруғ бўлди. Тайёрланган ҳосилнинг 7 минг 505 тоннаси уруғликка қабул қилинди.

— Жорий йилда туманимизда 5 минг 710 гектар майдонда бошоқли дон экинлари парвариш қилинди, — дейди туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Маҳаммад-жон Хамрақулов. — Улар «Крошка», «Палочка», «Чиллаки» ҳамда «Паллич» навлари бўлиб, пишиб етилиши бир-бирига боғлиқ кетди. Бу эса ўрим-йиғимда юзага келиши мумкин бўлган тизимчиликнинг олдини олади. Қолаверса, бизда уруғчилик алоҳида маъкага эга. Шу боис суперлатив ва элита майдонлари анчагинани ташкил этади. Бу далавлардан 860 тонна «Крошка» ва «Паллич» навли юқори сифатли уруғлик жамғарилди.

Қобилжон АСКАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТДА: Избоскан тумани МТТСи комбайн оператори Курбонали Раҳмонов. Унинг шу қасбини танлаганига ўттиз беш йилдан ошди. «Кейс» да ҳар кун 16-17 гектардаги ғаллани ўриб-яниб беришда.

Х.АРАББОВ елган сурат.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

Эл тинчлик истайди

Ўқитувчиларнинг ҳаётида меҳру ҳаяжонга тўла дамлар кўп бўлади. Бундан бир ойча муқаддам пойтахтимизда ўтказилган ижодкорлар анжуманида иштирок этганим, унда тинчлик, дўстлик ҳақида янги ёзилган шеърларимни ўқиганим бир умр ёдимга муҳрлиб қолган бежиз эмас, зал тўла тингловчи, юртдошларимиз, кўплаб устозлар.

Мен — оддий бир қорақалпоқ аёли, ўттиз йиллик педагогик тажрибга эга бўлган мураббий ўша лаҳзаларда бениҳоят бахтиёр эдим, ижод завқи, ўзини Ватан хизматига бағишлаган хисси, ёшларимизни элпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш иштироки бугун вужудимни эгаллаб олди. Меҳрибон ўзбек халқининг бағрикенглигини, устоз-мураббийларимизнинг хиёматини яна бир бор дилдан туйдим.

Узингиз уйланг, мана шундай улғувор орзу-ниятларга, шарафга, ҳурмат-эътиборга беланиб ўтирган устоз-ўқитувчи халқи бундан минг йиллар нарида қолиб кетган алаҳқандай «халифачилик» гоғайларга учмади? Биз фарзандларимизни нима учун аъло ўқитиб, илм асосларини эгаллашга, соғлом бўлиб воғна етишга ундаймиз, даяват қилаймиз, тарбиялаймиз? Булар бари — Мустақиллигимизни мустақамлаш, Ўзбекистон байрогини балан кўтарган ҳолда жaxon ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш учун-ку! Шундай экан, биз тинчлик исташимиз, фарзандларимизни ҳам шундай эзгу ниятларда тарбиялашимиз табиий, ҳаёт ҳақиқати — шу.

Шу кунларда ойина жаҳонда Андижон воқеаларига тасофифан аралашиб қолган 8ш-8ш йилгитларнинг, биллиб-билмай гумроҳлик қўчасига қадам босганларнинг тақдир ҳақида лаҳзалав бериб бориляпти. Халқимиз яна бир бор Ўртбошимиз теварагида жипсланган, адашган фарзандларни тўғри йўлга солиш учун кафили бўлиб, маҳалаларда тарбиябот, оғоҳлик чора-тадбирларини кунайтирмоқда. Бунда ўқитувчи-мураббийлар ҳам фаоллик қўрсатиляпти.

Бизнинг бугунги ҳаётимиз мана шундай илҳомбахш, тўлақон, ибратли бир ҳаётдир! Уни ҳар қанча ардоқлаб-авайласак, арзийди!

Зийнод ДИЛЕКЕЕВА,
Қорақалпоғистон халқ тўғлими аълочиси,
Нукус шаҳридаги 35-мактаб директори.

«ЖИЗЗАХЛАПЛАСТМАССА»:

Маҳсулотимизга хорижликлар ҳам харидор

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бу иқтисодий ислохотлар жараёнида етакчи ўрин тутади. Молиявий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолган қорхоналарда мулк турни узгартирилгач, улларга қайтадан «жон» кириб, ишлаб чиқариш янги, замонавий технологиялар асосида ривожлани бошлашини қўрсатувчи мисоллар етарлича топилди.

«Жиззахлапастмасса» заводимиз 1996 йили давлат тасарруфидан чиқдорлик жамиятига дейди жамият раҳ-Хусанов. — Шу қорхонада қайтарилари амалга эски, фойдаланушуналар ва янги, сервунум куналар билан алмаштирил-катта микдор-жалб қилинди, дан келтирилган вий агрегатлар хонамининг иш-вати йилига истеъ-тонна маҳсулот еткази-га қўтарилди. Қайта ускуна-гач, заводимизда ишчи ўринлари 750 тага етди.

(Давоми 3-бетда)

МУАММО

«Уйингизда газ хисоблагич ўрнатилмаган экан. Илтимос, эрта-га оила аъзоларингиздан бирор киши уйда бўлсин. Газ хисоблагич ўрнатимиз».

Кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи хонадон эгасига ана шундай сўзлар билан мурожаат қилган уй-жой мулк-

Уй — ўзимизники, лекин ...

дорлари ширкати вакили масала муҳиятини тушуни-раман деб анча хуноб бўлди. — Менга хисоблагич ўрна-тиш зарил келибдими?, — дерди хонадон соҳибига тажар-бунга қўйи. — Газ ҳақини тўлаяман. Хайронман, мен-дан яна нима исташадиди ўзи?..

Уй эгаси гап нима ҳақида бораётганини ўйлаб ҳам кўрмаётгани шундоққина аён эди. Ахир, хисоблагич ўрнатиш — газдан тежаб-тер-баб, ўринли фойдаланиш дегани.

(Давоми 2-бетда)

Муқаддас бурч, шарафли касб

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари, Курол-ли Кучларимиз энди шаклланиб келаётган пайтлар бор борада бир қанча муаммолар юзага чиққан эди. Анча-мунча йилгитлар ҳарбий хизматга унчалик ошиқишмас, айрим ота-оналар турли баҳоналар билан фарзанд-ларини армиядан олиб қолишга ҳаракат қилишарди. Албатта, буларнинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Жум-ладан, армияда эски тизимдан «мерос» бўлиб қолган шаро-итлар, миллий офицер кадрларимизнинг етишмаслиги ва ҳоказо.

Бундай салбий ҳолатларга нуқта қўйилди. Бугун ҳолат тамоман бошқача. Айни дамда йилгитлар ўзларига ҳарбийлик-ни шараф-ли касб, деб билмоқ-далар. Ар-мияда хиз-нат қилиш муфозули ишга, эр йилгитнинг орзуси, хавасига айланди. Утган вақт давомида олиб борилган ислохотлар ўз самарасини берди.

Эндиликда мударлати ҳарбий хизматда бўлиш учун йилгит маълум танловлардан ўтиши керак. Бу синовлар Ватан химо-ясига отланаётган, юрт юкини елкага олаётган йилгитларни са-раламоқда. Таъкидлаш жоизки, Ватан ўз навбатда уларнинг хизматларини ҳам беътибор қолдираётгани йўқ. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибид мударлати ҳарбий хизматни ўтаётган ҳар-бий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорини тилга олиб ўтиш лозим.

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

(Давоми 2-бетда)

Тадбиркор ишончи ортди

«Қоғозболлини йўқ қўргани кўзим, Қуриб кетмайдими ҳар қандай қоғоз», — деган эди рус шоири. Бу мисраларни бошқалар қандай эслайди, билмадим. Лекин тадбиркорлар ҳар ой тугаши билан хисоб-китоб топшираман, деб сарсон-саргардон, иши битмай, вақтини йўқотиб, папкасидаги қоғозлар кўлай-иб, қуйиб-пишиб юрганларида кўнглидан ўтказган бўлса, нежаб.

Четдаги киши унча хис қил-майди. Тадбиркор бўлган одам билди. Хисобчилик қилиб, асаби ағовланганлар бунга тушунади. Ахир, тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисоботлар гоҳида «менман» деганларнинг ҳам тоқатини тоқ қилиб юборарди.

Бугун тадбиркор чин кўнглидан хурсанд бўлиб айтаяпти: «Прези-дентимизнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини та-қомиллаштириш ва уни ноқўний талаб этганлик учун жавобгарликни кунайтириш тўғрисида»ги қарори ўз вақтида чиқди. Айни мударда бўлди...»

— Бу қарор тадбиркорларга йўлни кен оқайди, — дейди Сурхон-дарё вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи С.Қари-мов. — Тадбиркор учун ҳар дақиқа ғанимат. Унинг ўю хаёли, қуввати ишлаб чиқаришда, элга хизмат қилишда, яхши даромад топиб ҳам ўзига, ҳам юртига фойда кел-тиришда. Аммо баъзида неча кун-лаб хисобот қўзғаларига ўралашиб қоларди. Қарорда барча хисоб-ки-тобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда эмас, ҳар чоракда тақдим этиш қўрсатилди. Энди тадбиркорнинг «қоғозбол-ли» ташвиши уч хисса камади. Унинг гайрат-шиқоятга уч хисса ошди. Балки ундан-да кўпроқ. Чунки аса-би чарчамайди, худда-бехуддага «папка» семиртирмайди.

Ростдан шундай. Бу қарор айни мударда бўлди. Тадбиркор-

лар гуруҳида бўлсангиз, хисобот топшириш даҳқазасининг нимали-гини сезардингиз. Тўғри, халқимиз андишди. «Бу соғлиқни хисоботи-ни қабул қилмай қўйлади. 5 та маълумотнома ўрнига 8 та ҳужжат сўради!» ёки «Фалон идора хисо-ботини олиш пайти тул ўқидор бўлди», деб шикоят қилиб юрмай-ди. Янги қарор бундай ҳолларга чек қўяди.

Айниқса, республикамиз Пре-зидентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги Фармони тадбиркорлар кўнглидаги гап бўлди.

Фармонда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилиши белгиланди.

Убайдулла Азимов — тадбиркор. Ошхонаси хизмат қилиб турибди. Тижорат дуқони ишга тушиш ара-фасида. Қишлоқда ҳаммом қўра-япти.

— Президентимизнинг бу Фар-мони газеталарда ўқиб, теримга сиг-май кетдим, — дейди У.Азимов. — Минг раҳмат! Юртбошимиз биз-нинг юрагимизни қўнайб турган нарсани билди. Бу Фармон дар-димизга маълум. Кўнглимизга қув-ват. Мен 12 йилдан бери тадбир-корлик билан шуғулланаман. Бо-шимдан ўтказиб юрибман. Кўнгли тоза, сизга тўғри йўл қўрсатади-ган солиқчилар, тафтишчилар кўп. 4-5 сўм пул тоғанда одам баъ-зан ҳовлиқиб ҳам кетади. Босар-тусарини билмай қолади. Шундай пайт назорати тўғри, самимий ту-

шунтиради. Хаёлингиз жойига ке-лади. Афсуски, гоҳи булар бўлма-са, гунаҳ қилмаган, «унақа қилмаган, бунақа қилмаган» деб уйлмай-нет-май пул сўрайдиганлари ҳам чи-қиб қолади.

Мен тадбиркор бўлганим учун яхши биламан. Ишбилармонлар-нинг кўпи ҳуқуқларини тўла тушу-найди. Хурсанд бўлсангиз, шу Фар-моннинг ўзида тадбиркорга қанча-лар маъна бериляпти. Текшириш-лар қанча, тирноқ орасидан кир қидирилмаса, тадбиркор нима қиларди? Бор жони билан ишлар-ди. Даромади қўлайди. Давлатта берадиган солиғи ошарди.

Оллоз Бўтаев ҳам тадбиркор. Жарқуронлик.

— Жиноятлар ҳар хил бўлади. Айтилаик, товук ўғирлаш ҳам жи-ноят, — дейди О.Бўтаев. — Ле-кин тадбиркорга тўсиқ қўйиш ҳам жиноят экан. Фармонда «на-зорат органлари мансабдор шахсларининг руқсат берилма-ган текширишлар ўтказилганли-ги учун жавобгарликни кунай-тириш, хатто жиний жавобгар-ликка тортиш назарда тутилсин», — деб ёзиб қўйилган.

Президентимизнинг бу Фар-мони унган киши яна бир нарс-ани аниқлайди. Қарс ҳамшива икки қўлдан. Қонунлар, Фармон-лар, Қарорлар етарли. Тўла ҳуқуқий асос яратилди, яратилаяпти. Айни пайтада, тадбиркор ҳам уна-рини биллиши, ўрганиши, лозим бўлганда талаб қила олиши, ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмоғи даркор. «Мен текширувчи!» деган-га қуллук қилавермай, ундан ҳужжатларини сўраши, қўриши, ту-шуниши, зарурат бўлганда керак-ли мутасадди ташкилотларга му-рожаат қилиши лозим.

Инданолоси шунки, бу Фармон тадбиркорлик фаолиятда тўб бу-рилиш ясади. Ислохотларни жа-даллаштиради. Тадбиркорликни жиддий ва маънавий жиҳатдан янги босқунга қўтаришди, шубҳасиз. **Менгдор ОЛЛОМУРДОВ,** «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Дахлсизлик кафолати

Бугунги кунда мамлакатимизда уч юз мингта экин кичик бизнес ва тадбиркор-лик субъектлари мавжуд. Уларда қарийб беш миллион киши меҳнат қилмоқда.

Рақамлардан қўриқинди, тадбиркорлик фаоли-яти юртимиз иқтисодиётида салмоқли ўринга эга. Шунга таъкидлаш керак, тадбиркорликнинг кен-гуч аёйиши ҳуқуқимиз томонидан ҳаётга тақ-биқ қилинган қатор қонун ва қарорларнинг амал-даги самарасидир.

Мамлакатимиз Президентининг яқинда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам бу бора-даги ислохотларнинг давоми бўлиб, соҳа вакил-ларининг фаолиятда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Фармоннинг аҳамияти, тадбиркорларга берадиган имтиёз ва имкониятлари хусусида Ўзе-бекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси етакчи мутахассиси Шерзод Абдулқосимов шун-дай дейди:

Фармоннинг жорий этилишини мамлакатимиз-да тадбиркорлик субъектларига қўрсатилган до-имий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий нати-жаси деб айтишимиз мумкин. Зеро, ушбу ҳужжат ўз мазмун-моҳиятига қўра жуда аҳамиятлидир. Маъ-лумки, шу йилнинг январ ойида бўлиб ўтган Ўзе-бекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қону-нчилик Палатаси ҳамда сенатнинг қўшма мажли-сида Президентимиз ўз нутқида хусусий сектор-нинг ривожланиши ва мамлакат иқтисодиётида унинг ўлушини кўпайтиришга алоҳида таъкидлаб, хусусий тадбиркорлик фаолиятига давлат струк-тураларининг аралашини чеклаш ҳамда ривож-ланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда текширувлар натижасида мувофиқ суд то-монидан молиявий, маъмурий санкциялар тиз-имини юртимиз асосий вазифалар сирасига ки-ритган эди.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон эса тадбиркор-ларни бу жиҳатдан ҳимоя қилишда аниқ мақсад-ларга йўналтирилган. Ушбу мақсадлар нималар-дан иборат бўлади?

Келинг, шу ўринда Фармоннинг баъзи бандла-рига изоҳ келтириб ўтасак. Фармонда айтилишича, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини тугатиш ёки тугатиш, банк хисоб-китобларини тўхтатиб қўйиш фақат суд орқалигина ҳал этилади. Бошқача ифодаласак, тад-биркорга бундай келювлар ёки талаблар қўйишга эндиликда суддан ташқари ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шунингдек, бундан кейин тадбиркорларнинг мо-лиявий ҳўжалик ишларни кузатишда ҳам улар учун фойдали бўлган маълум жиҳатлар мавжуд.

Яъни, бунда тадбиркорни текшириш Республи-ка бош прокуратураси қошидаги солиқ ва вало-

тага оид жиноятлар билан курашиш департаме-нтига тегишли бўлиб, улар солиқ органлари томо-нидан солиқ ва валогага тааллуқли жиноятлар бери-лиги аниқлангандагина тадбиркорга нисбатан тек-шириш ўтказиш мумкин. Бу эса тадбиркорлар уни-дан олиб борилаётган текширувлар сонини қис-қартириш, уларнинг молиявий ҳўжалик фаолияти-ни назорат қилувчи органларнинг ноқўнийлиги ва ноҳилис аралашувининг олдини олишга қаратил-ганлигини билдиради. Ваҳоланки, шу пайтгача тад-биркорни қўнайб келаётган муаммолардан бири айнан унинг фаолиятига турли идораларнинг бўлар-бўлмас аралашуви эди.

Бундан ташқари, Фармон ҳўжалик судлари ёки ҳақамлик судларида тадбиркорлар ўртасида келиб чиқадиган ҳўжалик низолавларни ҳал этиш тарти-бин ҳам белгилаб беради ва низолаб ечимини то-пишда қўша мударлати қўлай шарт-шароитлар яратди. Албатта, ҳар бир текширув тадбиркор-нинг ишлаб чиқариш жараёнига ҳам, савдосига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бунинг устига асабларнинг бузулиши, вақт ва маблағларнинг ор-тиқча йўқолишини айтмаймизми?!

Шу ўринда Навоий вилоятида кузатилган бир ҳолатни келтириб ўтасак. Утган йилнинг январ ойи бошида «Янқун ико» номли хусусий фирма пой-тахтдан озик-овкат маҳсулотларини олиб келаёт-ганда Йўл патрул хизмати ходимлари ва вилоят солиқ инспекцияси вакиллари томонидан тўхта-тилади, маҳсулот олиб қўйилади. Тадбиркор би-ладики, ўзи ҳақ. Шу боис у вилоят прокуратурасига арыз қилиб чиқди. Натижада маҳсулот вилоят про-куратурасининг аралашуви билангина эгасига қай-тарилди. Лекин бу жараёнда тадбиркорга мод-дий ва маънавий зарар келтирилмаган, деб ким кафолат беради? Кейинчилик бу иш Савдо-саноат палатаси орқали судга чиқарилди ва зарар жо-ри йилнинг 11 май кунда тадбиркор фойдасига ундирилди.

Бу билан демократик тадбиркор ҳар қандай вазиятларда ўз ҳуқуқини талаб эти билиши ло-зим. Мазкур ҳўжалатни мақсадлардан бири, ав-вало, мана шундай овозгарчиликка йўл қўйма-лиқдир. Эриш мумкин, Фармон тадбиркорлар фа-олиятининг эркинлигини, давлатнинг хусусий мулк-ни ҳимоя қилишини ва унинг дахлсизлигини таъ-минлайди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳўжат «Тад-биркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши, тадбиркор-лик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бузи-лиши учун жапоннинг муҳаррирлигини назарда ту-тади. Бу тадбиркор учун имконий бўлиши билан бирга иқтисодиётимиз ривожига масъулятили иш қўриш ҳам демекдир.

«Қишлоқ ҳаёти» мухбири
Дилшод УЛУҒМУРДОВ суҳбатлашди.

14

Ўзингизнинг Ватанингиз!

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бу иқтисодий ислохотлар жараёнида етакчи ўрин тутади. Молиявий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолган қорхоналарда мулк турни узгартирилгач, улларга қайтадан «жон» кириб, ишлаб чиқариш янги, замонавий технологиялар асосида ривожлани бошлашини қўрсатувчи мисоллар етарлича топилди.

«Жиззахлапастмасса» заводимиз 1996 йили давлат тасарруфидан чиқдорлик жамиятига дейди жамият раҳ-Хусанов. — Шу қорхонада қайтарилари амалга эски, фойдаланушуналар ва янги, сервунум куналар билан алмаштирил-катта микдор-жалб қилинди, дан келтирилган вий агрегатлар хонамининг иш-вати йилига истеъ-тонна маҳсулот еткази-га қўтарилди. Қайта ускуна-гач, заводимизда ишчи ўринлари 750 тага етди.

(Давоми 3-бетда)

Уй — ўзимизники, лекин ...

дорлари ширкати вакили масала муҳиятини тушуни-раман деб анча хуноб бўлди. — Менга хисоблагич ўрна-тиш зарил келибдими?, — дерди хонадон соҳибига тажар-бунга қўйи. — Газ ҳақини тўлаяман. Хайронман, мен-дан яна нима исташадиди ўзи?..

Уй эгаси гап нима ҳақида бораётганини ўйлаб ҳам кўрмаётгани шундоққина аён эди. Ахир, хисоблагич ўрнатиш — газдан тежаб-тер-баб, ўринли фойдаланиш дегани.

(Давоми 2-бетда)

Муқаддас бурч, шарафли касб

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари, Курол-ли Кучларимиз энди шаклланиб келаётган пайтлар бор борада бир қанча муаммолар юзага чиққан эди. Анча-мунча йилгитлар ҳарбий хизматга унчалик ошиқишмас, айрим ота-оналар турли баҳоналар билан фарзанд-ларини армиядан олиб қолишга ҳаракат қилишарди. Албатта, буларнинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Жум-ладан, армияда эски тизимдан «мерос» бўлиб қолган шаро-итлар, миллий офицер кадрларимизнинг етишмаслиги ва ҳоказо.

Бундай салбий ҳолатларга нуқта қўйилди. Бугун ҳолат тамоман бошқача. Айни дамда йилгитлар ўзларига ҳарбийлик-ни шараф-ли касб, деб билмоқ-далар. Ар-мияда хиз-нат қилиш муфозули ишга, эр йилгитнинг орзуси, хавасига айланди. Утган вақт давомида олиб борилган ислохотлар ўз самарасини берди.

Эндиликда мударлати ҳарбий хизматда бўлиш учун йилгит маълум танловлардан ўтиши керак. Бу синовлар Ватан химо-ясига отланаётган, юрт юкини елкага олаётган йилгитларни са-раламоқда. Таъкидлаш жоизки, Ватан ўз навбатда уларнинг хизматларини ҳам беътибор қолдираётгани йўқ. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибид мударлати ҳарбий хизматни ўтаётган ҳар-бий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорини тилга олиб ўтиш лозим.

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

(Давоми 2-бетда)

ЭҲТИЁТ-ШАРТ

Табиат ҳар қанча мўъжизакор бўлмасин, унинг қутилмаган ҳо-дисалари ҳам мавжудки, бундай ҳолларда баъ-зан инсон ақл-заковати, салоҳияти оғизлик қилади.

Шу маънода бундай та-биий офатларга тайёр тур-

Офат мавсумий эмас

моқ ва уларнинг олдини олмақ эриш маъқул чора-дир.

Тошкент вилояти худу-дида ҳам баҳорги-ёзги даврда қўчки, сел ва тош-кинар билан боғлиқ фаво-қулдада вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартаф-аэтиш борасида қатор тад-бирлар олиб борилади.

(Давоми 2-бетда)

Тарбиянинг тамал тоши

Ўқувчи ва... ресторан

«Бола тарбияси билан жиддий шуғулланган одам-ларнинггина чинакам ватанпарвар дейиш мумкин», деган эди ўрта аср фойласуфларидан бири.

Лекин бу масъулятини ҳамма ҳам бирдай хис қилавер-майди. Кундулик ҳаётга назар солсангиз, баъзан бу муқад-дас ишни мактаб оилага, оила мактабга дахлдор деб қара-шини кузатиб қолсангиз. Лекин астабта тарбиянинг тамал тоши оилада қўйилади, деган гап бор.

Аммо шунга қарамай, айрим ота-оналар ушбу ҳақиқатни билмайди ҳам, бил-олади. Ҳат-роқ ўқитув-фарзанди-қиладиган бўлса, «Ўқитувчимисиз, ойлик оласизми, шун-дай экан, тарбиялан-да», деб иддао қиладиганлар ҳам то-пилади. Баъзиларга «Ўғлингиз (ёки қизингиз) ҳулқи ёмон, дарс тайёрламай қелади. Илтимос, назорат қилинг!», де-сангиз, «Сиз манаи боламни қўрқолмайсиз, бошқани топол-мадингизми?» дея зарда қиладиганлар ҳам учраб туради. Улуғлардан бири «Бола тарбиясида ота-она маънавияти та-розу» деганда ҳақ эди. Дарвоқе, ота-она маънавияти ва савиясида гап қўлу...

...Ақсарият ўқувчилар ота-онаси битирув кечасини рес-торанда ўтказилишига қарши. Ўқитувчи учун бу айни мудар-до. Лекин ота-оналардан бири — Малика опа ҳаммадан ажралиб турибди:

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

(Давоми 4-бетда)



"Гармошка автобус"дан алданиб...

Бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам катта шахарларда узун, сариқ, ўртаси резина билан ажратилган икки қисмли автобуслар бўларди. Уни оддий халқ "гармошка автобус" дерди.



Иттифоқо, бир кун кишлоқдан шаҳарга тушган икки кампир ана шундай автобусларнинг бирига чиқибди. Улар борар манзилларини чиптакашдан сурашшди.

—Вой холажонлар, биз бошқа тарафга кетамиз, -деди у. —Сизлар хоҳир шу бекатда тушингларда, ортимизда келватан автобусга чиқинглар, ўша боради сиз айтган жойга...

Камирлар олдинги эшикдан тушиб қарашса, ортда яна бир автобус келиб турган экан. "Яши бўлди, мана айтган автобуси ҳам келиб турган экан", деб юғриб унга мишинишди. Автобус қаулалиди. Кампирлар ўзаро чуғурлашиб кетишаётган экан, кимдир тепаларига келиб "Сизлар нега тушиб қолмадинглар, ахир бу автобус бошқа ёққа кетади деб айтдим-ку?" дебди. Кампирлар халигача галлашган чиптакаши кўриб анграйиб қолшибди. Аслида улар "гармошка автобус"нинг у бошидан тушиб, бу ёқдан яна чиқибган экан.

Хидоят АҲМЕДОВ

Раънонинг "хати"

Хўжайр Термизда ўқийди. Ўзи жуда содда, ишонувчан. Ижара уйда қурасошлари Малик ва Зокир билан бирга туради. Гоҳи гурун қизиди. Хўжайр ўз қишлоғидан Раъно деган қизни севишини, ҳар таштида учрашиб келишини, унга олиб борган совғаларини... ҳаммасини айтади.

Нотаҳох Хўжайрга хат келди, Раънодан. У ҳажон билан хатта кўз югуртирди: "Хўжайр ака, мен сизни соғиндим. Олиб борган сиргангини онам "қардан олдин?" деб суради. Сизни айтолмайман! Сизга айтидиган гапларим кўп. 12 май кун Термизга бўлур фермер хўжалигимиз билан сабаҳатга бораёلمиз. Археология музейи олдиди учрашсак. Ҳам менга "квартира"нгизни кўрсатасиз... Сизни жондан севишни Раъно..."

—Икки кундири, Хўжайр бошқача. Гоҳ қулади. Гоҳ ўйга толади. Китоб ўқишга ҳам унча тоқати йўқ. У Малик ва Зокирдан 20 минг сўм пул суради. Иккови ҳам "хоҳир йўг-да" дейдишди. Хўжайр уй ағасидан қарз олди. Ўша кун дасталаб бозорга борди. Шампан, қолбаса, шоклад, гўшт, ёғ... бир даста пул келтирди. Дастурхон ноз-неъматга тўла.

Хўжайр уй соадан бери музей ёнида. Бекотак. Бу ёни ижара уйда Малик ва Зокир бекотак. Дастурхонни ташлаб ҳеч қандай кетишолмайди.

Наҳ туш пайти. Чарчаб, терлаб "Нега келишмади экан? Тинчликомикан?" деган ўйда Хўжайр қириб келди.

—Раъно келмади. Булар оқишларга бюрорган экан. Гўштни ҳам қовуринглар. Аёз шампан, оқишлар.

—Студентлик студентлик-да. Малик билан Зокир оч қоринга тез-тез ейишарди. Қолбаса тугади. Шампан ичилди. Гурун қизиб, сирни Зокир оғиб қўйди.

—Маликдан чикди бу гап. Раънонинг номидан Малик ёзди...

—А-а?— Хўжайрнинг кўзи жавдирарди...

Тарвуз пўчоғи

Қодираллини кўрганлар улкан қорхона бошлиғи дейди. Аслида ишининг тазини йўқ. Лекин буй-баста сазобатли. Янги костом-шим, икки қўл оғрада. Ўзлари осмону фалакда. Гапининг "ўрали" шундай: "Мен айтдимми, шунки қиламан, тушундингизми?!"

Йўлдош дўкончи билан тортишиб қолди...

—Бутун... тарвуз ейман... Кишлоқда борми-йўқми? — деди гўдайдой Қодирали.

—Таштида кўрсан тарвузини. Бақорда... ҳали апрел бўлса...

тарвуз нима қиладди... — қулди Йўлдош.

—Тарвуз топсам... ҳўроз сўясамми?

—Сўяман бир ҳўроз.

—Кишлоқда бўлмаса, туманининг бозориди бор...

Тарвузни еб, пўчоғидан сенга озгина қоғозга ўраб обқесам... бўлдимми. Ҳўроз сўясамми?

—Майли... бўлди... пўчоғини кўрсат... ишонман...

—Йигитча гапми? — деди Қодирали.

—Йигитча гап! — деди Йўлдош...

У ёқдан суради... бу ёқдан суради... Кишлоқда тарвуз йўқ. "Дамас" таксига ўтирди. Туман бозорига борди. "Э-э, тарвуз йўқ-ку..."

Йигитча гап дейди-я? Термизга жўнади. Ағсуз. Бозорда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Лекин тарвуз йўқ. "Орқага қайтайми? Йўлдош мени синдиради". Сураб-суриштирди. Самарқанднинг бозориди бор, дейишди. "Бу-ям бир гап-да. Ҳам томоша, ҳам тарвуз еб келаман". Самарқандга борди. Анқонинг уруғини топса бўлади...

Аммо Самарқанд бозориди тарвузини топиб бўлмади... Қодиралининг кўзидан ёш чикди: "Мен айтдимми, шунки қиламан..."

Тушундингизми? Асабийлашди... Таштида қайдасан, деб йўловчи "Неқсия"га ўтирди. Таштидан бозор... Тарвуз бор. Тўйиб еди. Озгина пўчоғи цelloфони ўраб, костум чўнтағига солди. Тўртинчи кун кишлоққа етиб борди. Йўлдошга пўчоғи кўрсатди. Ҳўроз сўйилди...

—Ҳўроз сал ориқроқ экан... Чечангиз сал кўйдирди ҳам.

Дастурхонда катта тобоқда... 4-5 та қорайиб кетган қоқ суяқ турарди...

Менггор ОҚМУУРОДОВ

Замбилгалтақдаги Нурқул пиён

Ойжон янга бу кишлоққа узок вилоятдан келган. Қирқ йил бурун техникум талабаси эди, Нурқул билан ўшанда танишган...

Ота-оналарига балли: бу ёқдагиси "минг қақиримлик юртдан келин тушираманими?" деганда, у ёқдагиси "мусофирчиликка бекордадан қизим йўқ", деб оёқ тирамади. Аммо Нурқул деган зот тўйдан кейин қизга берган ваъдаларини унутди, шому саҳар инадиған одат чикарди, "пийн" деган "мартбага" эга бўлди.

Ойжон янга Бирова дилчаданинги йрмиди, жигар-Бағри кун бўлди-ю, ўзгалар олдида қон туғламади. Эридан гап очиб, сураған-нетанганга "эр - ярим пийр" дерди, ҳолос. Пийнэти эрининг эса лойга ботганини Биров кўржади, оппоқ, ёқси қорча бўлгани йўқ, шими хамиша қиррадор, туғлини эркираған...

Янганинг солиқ ўғиллари эр етди, туғлар ҳудо деб нола қилган айёнинг ёруқ қиллари келди, Нурқулдан топмаганини болаларидан кўрди. Икки йил бурун туғини:

—Ойжон, ана... деди. Она-бола ҳамга бориб келдилар.

Ана шу абл тўсатдан қақ қилди.

—Муктаман жамоат, деди имом домла тазия чочи... Шу мусофир янгангиз нимайки топган бўлса, эрининг розилиғи билан топди.

Эндиликда "хўнайи"ни ташлаб, намоз-ниёзга ҳам эғилиб қолган Нурқул ўради:

—Ой эмас офтобнинг эди. Анави зорманда эс-хушимдан беғона қилиб, туғандай оғлаб қолган жойимдан замбилгалтаққа солиб ётоғимга етказиб келарди. Бирор марта қуцада қолдирмаган, устимга ётган ёғиб, "далдаси кўйиб овердилар", дер экан.

Анақини одамни қулдирадиган бу гапдан шу тоғда ҳамманинг ўпкаси тўлди.

РУСТАМЖОН УММАТОВ

"Ифвогарнинг уйи куйсин!"

кетмасди-да. Энди-чи? Энди бутунлай бошқача. Бугун фермерман, каттагина мулк эгаси имани.

Телевизорда шахсан Президентимизнинг ўзлари чиқиб, Андижонда нима бўлганлиғи ҳақида ҳаммасини ипидан-игнасигача тушунтириб бердилар-ку! Яна нима керак уларга! Дангал айтаман: ифвогарнинг уйи куйсин!

Оқми, меҳнат қилган одам албатта кадр топади, деган гапга ўзим ишонч ҳосил қилдим. Ишлайман, фойда кўраман десангиз барча шароит бор. Хўкума-

тимиз бунга етарлича шароит яратиб берапти. Дангасалик қилмасангиз бўлгани. Илгаридеки бепарволик кетмайди ҳозир. Аини пайтда тасарруфимизда 300 гектар ер майдони бор. 119 гектар майдонда пахта, 84 гектарда галла экамайз.

Зокиржон МУСАЕВ, Косонсой туманидаги "Истикбол" фермер хўжалиғи раҳбари.

Офат мавсумий эмас

Жумладан, Уэдримет, Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси вакиллари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг тоғли ва тоғолди ҳудудларидаги қор заҳираларини аниқлаш, геологик, гидрометеорологик вазиятни кузатиш мақсадида Бўстонлик ҳамда Оҳангарон тумани йўналиши бўйича аэровизуал назорат тадбирларини амалга ошириб, Чотқол-Курама тоғ тизмалари, Қамчиқ довоини автомобил йўлининг вилоят қисми, Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудларида жойлашган Юқори Ихнач, Куйи Ихнач кўллари, Пском дарёсининг ҳолати ўрганиб чиқилди.

Давлат хавфи жараёнларни кузатиш хизматининг рўйхатига киритилган 20 хўжалиқдан ташқари ана 13 та хўжалик кўчи жараёнлар фасоллашуви, айрим жойларда ер кўчиш ҳодисалари рўй берганлиғи сабабли хавфсиз яшаш жойларга вақтинча қўйрилган ва улар билан алоқа воситалари орқали мунтазам боғланиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, сел ва тошқинлар билан боғлиқ фавуқлодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси

томонида Бўстонлик тумани ва Ангрен шаҳрида 6 та, Оҳангарон туманида 5 та, Паркент туманида 4 та, Чиноз тумани ва Пискент туманида 1 тадан, жами 23 та вақтинчалик кузатов постлари ташкил этилганлиғи ҳам аҳоли хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, "Тошвилтранс" акциядорлиқ уюшмаси томонидан дарё ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини олиб бориш учун транспорт воситалари ажратилиб, ҳозирда "Сирдарё" БҲО, Чирчиқ ГЭСлар каскадларига, "Чорвоқ", "Оҳангарон", "Туғбўғиз" сув омборларига 30 фюзилж бўш ҳамма саклаб қолган ҳолда сув тўлдирish ишлари бажарилмоқда.

Албатта, офат фурсат ва жой танламайди. У ҳар лаҳзада рўй бериши мумкин. У мавсумий ҳам эмас. Демак, кўриладиган чоратадбирлар ҳам ҳали давом этади. Бизнинг ушбу қилаётган ишларимиз эса шу каби фавуқлодда вазиятларнинг келиб чиқиб эҳтимолини озгина бўлса-да камайтиришга хизмат қиладди.

Ш.ХОЛИҚОВ,

Тошкент вилоят Фавуқлодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи, майор.

(Боши 1-бетда) "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдирish учун зарур бўладиган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича Республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга қираётганда уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи микдориди қўшимча имтиёб берилсин... Ҳарбий қисмлар қўмондонлиғи тавсияномалари улар берган кундан бошлаб 3 йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади... дейиладди унда. Шу ўринда тавсиянома моҳиятига назар ташлайлик. Аслида моҳияти унинг қимларга берилишида

Муқаддас бурч, шарафли касб

акс этган. Уни жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёрларликлар ағлоқларига, Ватанига садоқатли асл побсон сифатида шаклланишга интилган, шижоатли, матонатли, жасур йигитлар қўлга қиратилади. Бор сўз билан айтганда, ана шундай чақоқ йигитлар тавсиянома соҳибига айланапти. Келинг, мисолларга мурожаат этайлик. Утган 2004 йилнинг ўзида Тошкент Давлат Техника университетига тавсиянома йрдамида 29 нафар йигит ўқишга қирибди. Аини пайтда улар бу ерда замонавий билимларни эғаллаш, келажагимизнинг муносиб давомчиди бўлиш ниятида таълим олишмоқда. Шулардан бири Нодиржон Азизовдир. "Иқтисодчи дизайн соҳасини танладим. Маълумки, республикамизда дизайн санъати энди ривожланиб келяпти. Аиниқо, санаот дизайни соҳаси. Хуллас, бу борада изланиб, турли янгиликларга асос солиш ниятидман", дейди у биз билан сўхбатда.

Давлатимизнинг бундай имтиёзлар бериши Нодиржон сингари истеъдодларни кашф этмоқда, уларга қанот баҳш этмоқда.

Кечаги ниҳолнинг бугунги меваси

"Кани айтинг, азиз дўстлар, бирдорлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин тошлаш эмас, ақинча, унинг сифидан жой олишга интилмиш қачанди? Қандай қилсак, мустақил ҳаётга қадам қўётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинанди-га бўлади?" Хотиранимизда бўлса, бу саволлар Президентимизнинг Олий Маҳлисининг тўқтинчи сессиясидаги маърузасида янгради.

Юртобшимиз нафақат давр, вақт талаб этаётган ушбу саволларни ўртага ташлади, балки уларга жавоб тариқасида ўз тақлифларини ҳам илгари сурди. Ўша пайтларда кенг жамоатчилик, аиниқса, ўғил ўстираётган — бўлгуси Ватан хўмиёчисини қамолга етказётган ота-оналар бу тақлифларни мамнуят билан қабул қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, тақлифлар замирида қақирув ва ҳарбий хизматни ўташ тизимини ўзгартиришдек ҳаётий зарурат бор эди. Аинқ-

(Боши 1-бетда) Қолаверса, истеъмолини бундан сира ютмасайди. Ҳисоблагич ўрнатилган хонадонларда газ тўлови нисбатан арзон. Бошқа турдаги коммунал хизматлар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Яна бир жиҳати борки, газ ёки сувни ортинча исроф қилиш наҳрларнинг ўсшига олиб келади. Бу эса истеъмолининг чўнтағига зийн дегани эмасми?

—Шу биргина мисол ўй-жой эгаси ҳисобланган айрим фуқароларнинг ҳали-ҳануз беғам, беғарф, теварак-атрофларида нима гаплар бўлаётганидан беҳабар эканликларида қайта эътибор берилсин. Бухоро вилояти ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи Камол Очилов. —Холбуки, ўз уйининг ҳолатига беғарф ва лоқайд муносибатда бўлган мулкдор мабодо ширкатнинг ёмон иш-

Ўй - ўзимизники, лекин...

лекин, томидан чакки ўтиши ёки қишда уйнинг тузуқ иситилмаслиғидан шикоят қилса, аввало, ўзини айблаган бўлади.

Дарҳақиқат, гап кўп қаватли уйнинг том кимси, ертўла, йўлақлар, эиналоя майдончалари ҳақида борапти. Бинобарин, зиммада ўз ҳисобингизда хонадонни зарурий техник ва санитария ҳолатида сақлаш мажбурияти ҳам бор.

—Яқин-яқингача 30 та ўйда яшовчи 622 хонадонга хизмат кўрсатар эдик, - дейди Қогон шаҳридаги "Нарғиз" ўй-жой мулкдорлари ширкати раиси Фулом Хайдаров. —Яқин йилдан бошлаб ана ўрта ўйда яшовчи 140 та хонадон ширкатимиз аъзолиғига қўшилди. Биласиз, биз нодавлат ташкилотимиз. Мулкдорларга техник хизмат кўрсатиш ҳисобидан фаол яттиб кўриямиз. Турар-жойларимиз эскирган, таъмирига муҳтож. Бултур иккита ўйни муқаммал таъмирлади. Иш силлиқ кетаяпти, дейиш фикридан йироқимиз. Дейлик, техник хизматдан аҳолининг 1 миллион 900 минг сўм қарзи бор. Вазиятдан чиқиб учун мулкдорлар билан бирма-бир сўхбатлашув, кимнинг қулидан қандай ишлар келишини аниқлашми. Масалан, кимдир йўлақларни таъмирлашни ўз зиммасига олади. Биз қилинган иш сифатини кўздан кечирган ҳолда ўша мулкдорнинг техник хизмат бўйича юзага келган қарзининг муайян қисимдан воз кечамиз.

—Бултур вилоят бўйича 1991 йилга қадр қурилган кўп қаватли уйлارнинг 130 таси муқаммал таъмирланди, - дейди К.Очилов. —Бу давлат томонидан ажратилган маблаг ҳисобига бажарилди, албатта. Яна шунча ўй бу йил капитал таъмирланади. Лекин шу мақсадда сарфланадиган маблағнинг 30 фоизи ўй-жой мулкдорлари томонидан тўпланиши масаласи ҳам қур тартибига қўйилапти. Бу ҳам ўй-жой мулкдорлари "Менинг турар-жойимни биров келиб таъмирлаб бермайди, бу ҳақда ўзим ўйлашни керак" деган тушунчага эга бўлишлари лозимлиғини аниқлади.

—Бизда техник хизмат қақир қар квадрат метрга атиги ўн сўм қилиб белгиланган, - дейди Қорақул шаҳридаги "Фаррух" ўй-жой мулкдорлари ширкати раиси Фулом Ҳамроев. —Шунга қарамай, аҳолининг шу хизмат туридан каттагина қарзи бор. Афсуски, баъзи фуқароларимиз онгига давлат қилиб беради, деган тушунча сингиб қолган. Имконияти бўла туриб, хизмат ҳақини тўлашдан бўйин товлаётганлар ҳам бор. Уларнинг 52 нафаридан қарзни қонун йўли билан ундириш чораларини кўряямиз.

Олий мажлис Қўнчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мақлисидаги маърузаларда Президентимиз ўй-жой коммунал хўжалигини ислох қилишни устувор вазифа сифатида алоҳида қайд этилди. Шу соҳага оид иккита муҳим қарор қабул қилинди. Уларга муроғиф, ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмалари тугатилиб, улар ўрнига ўй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмалари ташкил этилди. Ширкатларга қарашли хонадонлар, уйлар сонини муқобиллаштириш чоралари кўрилмади.

—Қуштилар кўрсатаётгани, ўй-жой эгаларининг кўпчилиғи ҳали-ҳануз беғарф, - деди хайрлашаётганимида ағсуз билан К.Очилов. —Ўй эгаси турар-жойидаги муаммоларини ҳал этмоқчи экан, асло лоқайд бўлиши мумкин эмас. Эндиликда унинг аҳоли, ширкатнинг қандай фаолият кўрсатиши бевосита мулкдорлар, хонадон соҳибларининг онгли хатти-харақатларига боғлиқ.

Истам ИБРОҲИМОВ,

"Кишлоқ ҳаёти" муҳбири.

роқ айтганда, қақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташнинг янги концепциясини ишлаб чиқиб, Натижада бу борада малакали экспертлардан иборат комиссия ташкилд. Хуллас, мазкур сессия қақирув ва муддатли ҳарбий хизмат тизимини ўзгартириш борасида тамал тошини қўйди. Навбатдаги сессияда — иккинчи қақируқ Олий Маҳлисининг ўзинчи сессиясида "Ўмумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" янги қонун қабул қилинди. Унга қўра, бир янгилик — сафарбарлик қақирув резервидаги хизмат ҳам жорий этилди. Мазкур хизмат армия сафларига бормаган йигитларга ҳам тенг имкониятлар яратилди. Улар ҳам ўз конституциявий бурчларини адо этишади. Тўғри, "Ўму-



26 июн — Халқаро гиёхвандликка қарши кураш кўни

Ихтиёрий телбаллик

—Турмуш ўртоғим гиёхванд бўлгани учун ажралдим, - дейди исм-шарфини ошкор этишни истамаган жондорлик аёл. —Бир қизим бор. Эрим ўзига тўқ, обрўли оиланинг фарзанди.

Нега гиёхванд турмушга чиқинг, деб сураётимизми? Оҳ, унинг фирт банги эканлиги билганмида борми?... Ҳаммасига ўртаган тушган воситачи аёл айбдор. "Бадавлат оиладан, рўзгорингда каму кўст бўлмайди", деб авради. Онам шўрлик "Таги-туғини сурштирайлик", дегандилар-а.

Яқин дўғонамни бир ноҷордоқ хонадонга узатишганди. Турш-турмушда хийла қўйналаётганидан хабардор эдим. Ўшанинг кўни бошимга тумасин, деб ўйлабман.


Гиёхванд эрининг дастидан тинчлик йўқ эди. Ота-онаси пул бермай қўйишгача, у кейдаги нарсаларни бирин-кетин сотиб юборди. Хумори тутганда гиёхвандга рўпару бўлишдан ўзи асрасин.

—Бир кун қайнонам қайнотам билан мени ёнларига қақириб, "Қизим, бу бизни кўйдириб адо этди. Сен ёшсан, умрингни ҳазон қилма", дейишди. Шундан сўнг қизимнинг "Бу гиёхванднинг зурриёди" деган ном олмаслиғи учун ажралишга қарор қилдим.

Қаранг, оилада бир гиёхванднинг борлигидан қанча киши жабр кўрди. Ота-онанинг умри ағсуз-надоматда ўтаятти. Гулдай бир ёш оила барбод бўлди. Қизалоқ тирик етим қолди.

—Гиёхвандлик ихтиёрий телбалликдир, - дейди Бухоро вилояти наркологиия диспансери ҳамими И.Мустафоев. —Бу телбалликнинг охири ана шундай аянчли бўлади. Буни ҳеч қим унутмаслигини истардим.

И. ИСТАМОВ



Қинғир ишнинг қийиғи...

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Ҳалол яшаб, пешона тери тўкиб меҳнат қилганлар, халқини ибораси билан айтганда, қандини урадилар. Лекин оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб яшаниш оқат қилганлар, бир кунмас-бир кун, албатта, пушаймон бўлишади.

Сўзимизнинг исботи сифатида Нукус шаҳри фукониси Алишер Анепиев томонидан содир қилинган бир жиноятни келтириб ўтмоқчимиз. 30 йил бу йигит Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарорини талабларини қўпол равишда бузган ҳолда Россия Федерациясининг Астрахан шаҳрига бориб, шаҳар бозоридан кўп миқдордаги турфа хил тилла тақинчоқларни хари-

дид қилди. Аниқроғи, жами 39 дона, умумий қиймати 3505400 сўмлик қимматбаҳо молларни сўмгага жойлаб, "Астрахан - Қўлоб" йўналишида катновчи йўловчи поездига чиқди. Тилла тақинчоқларни ҳеч қандай ҳужжатсиз, боғжона назоратидан ўтказмасдан, давлатимиз боғжона чегарасидан ноқонуний йўл билан олиб ўтаётган Алишер "Қоракалпоқ" боғжона пости хушёр ходимлари томонидан қўлга олинди.

Сўнда Алишер Анепиев айбига иқдор бўлди. Тақинчоқларни ўзи ишлаб топган пулгага сотиб олганлигини, бошқаларга сотиш нияти йўқлигини, қариндош-уруғларига соғва этиш ниятида эканлигини, қонунларни тушунмаганлиғи билан, шундай хатти-харақатга қўл берганлигини,

Роҳила ҚУРБОНОВА,
Қўнғирот тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси.

"ЖИЗЗАХПЛАСТМАССА":

Маҳсулотимизга хорижликлар ҳам харидор

(Боши 1-бетда) Жамият халқ ҳўжалигига зарур ускуна ва жиҳозларни, кенг истеъмол буюмларини, кенг истеъмол буюмларини, кенг истеъмол буюмларини...

ишлаб чиқариш тобора кенгайтириляпти. Корхона бугунги кунда кенглиги 1400 дан, қалинлиги 0,008 миллиметрдан бошлаб, хилма-хил кўри...

Полиэтилен кимевий жиҳатдан емирилиш, бузилишларга чидамли. Бу хусусият ундан хилма-хил қувурлар ишлаб чиқариш имконини ҳам бераётир. Жумладан, "Жиззахпластмасса"да шундай йўғонликдаги қувурлар тайқўрланмоқдаки, улардан суюриш, ичимлик сув тизимларини, оқава сувларини чиқариб ташлашга хизмат қилувчи каналлаштармоқларни барпо этишда фойдаланиш мумкин. Истеъмолчиларга 25 дан 225 миллиметр...




бошқа кўринишдаги бу идишлардан кундалик турмушда турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Сув сақлаш, дала боғларида фойдаланиш учун 5, 10, 12 литр сифимли челақлар ишлаб чиқариляпти. Пластмасса таксимчалар, стаканлардан фойдаланиш кулай. 5 ва 10 литр ҳажмли канистрларда бензин ёки бошқа ноичимлик хусусиятидаги суюқликларни сақлаш, ташини мумкин. Шу мақсадлар учун мўлжалланган 60 литрли флягалар ҳам ниятда харидордир.

Мехнат жамоаси шу натижалар билан кифоялиб қолмоқчи эмас. Технологик жараёнларни такомиллаштириш, янги-янги қувватларни барпо этиш туфайли бу йил корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади. Мисол учун ўтган беш ойда 3 миллиард 858,9 миллион сўмлик ялли маҳсулот ишлаб чиқарилганиги, кенг истеъмол буюмлари ҳажмининг ўтган йилдагига қараганда, 42,5 миллион сўмликка кўпайтирилганиги ҳам бунга далил бўла олади.

полиэтилен қувурларга бўлган қизиқиш кучайиб борапти. Уларни асосан янги уй-жойларда сув ва каналлаш тизимларини барпо этиш, эскиларини эса алмаштириш мақсадида харид қилишяпти. Ўтган йили бу борадаги экспорт ҳажми 149 минг АҚШ доллари қийматига етди ва тахмин қилинган кўрсаткичга нисбатан 249 фоизни ташкил қилди.

Айни пайтда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида Жиззах полиетилен маҳсулотлари бўлган ахтиёжнинг маркетинг ўрганиши амалга оширилди.



мат қилаётир. Бундан ташқари, Жиззахда ишлаб чиқарилаётган полиетилен мелiorация ва сув ҳўжалиги қурилиши кўламини ҳам кенгайтириб, сурьталарини тезлаштиришга, иш сифатини кескин кўтаришга хизмат қилмоқда.

гача бўлган диаметрдаги қувурлар етказиб берилаётганлиги бунинг далилидир. Полиетилен кенг истеъмол буюмлари хилини кўпайтиришда ниятда кўл келмоқда. Уларнинг енгиллиги, чидамлилиги бу буюмлардан турмушда фойдаланиш муддатини узайтиради. Ҳозирда ундан турли катталиқдаги - 6, 12, 25, 30 литр суюқлик сифидан тослар тайёрланмоқда. Тутқичли, думалоқ ёки...

Шўртан газ-кимё мажмуи ишга туширилиши билан мамлакатимизда пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш мароми барқарор тус олди. Жиззах пластмасса буюмлари корхонаси Шўртанда ишлаб чиқарилаётган турли маркадаги полиетилен қомаҳёсидан фойдаланаётир.

Бу ҳол ишлаб чиқариш сурьатини муттасил ошириб бориш, ҳам ички, ҳам ташқи истеъмолчилар учун маҳсулот ҳажминини кўпайтириш имконини беришмоқда.

Сўнгги йилларда корхона ёрлиғи билан ишлаб чиқариш турли-туман маҳсулотлар нафақат ички, балки хориж бозорларини ҳам тобора эгаллаб бормоқда. Айниқса, Қозғистон, Тожикистон ва бошқа кўшни давлатларда...

янада яхшилаш, турини янгилаш, ҳажминини кенгайтириш учун изланмоқда, янги-янги технологияларни ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жорий этишга интиломоқда.

Чорвага тўйимли озуқа керак

Қадим-қадимдан деҳқончилик чорвачилик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Уларни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, деҳқончиликдан чиққан ом-хашак чорвага озуқа бўлади, фермаларда ҳосил бўладиган маҳаллий ўғит эса ер унумдорлигини оширади.

Бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда деҳқончилик ва чорвачиликни бир-бирига мутаносиб равишда ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган, шу икки соҳанинг ёзилмаган қонуниятига айланган тамойиллар шакллантирилиб, улар ҳаёта тadbик этиб келинаёпти. Хар бир гектар суюриладиган ерга минтақанинг табиий иқлим шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда маълум миқдорда шартли бош чорва моллари тўғри келиши, алмашлаб экиш тизимига беда, маккажўҳори ва бошқа озуқабоп экинларнинг қатъий равишда киритилиши сингари тартиб-қоидалар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, буларга соҳа ривожига мўҳим аҳамият касб этади: алмашлаб экиш тулаб бориб, деҳқончини оширишга замин кўрсатади. Беда, маккажўҳори ва бошқа чорва озуқасининг мўл бўлиши гўшт, сут, тухум, тери, жун ҳамда бошқа маҳсулотлар кўпайишида асосий омил ҳисобланади.

Кейинги йилларда зарар қўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатлар тугатилиб, уларнинг ерлари фермер ҳўжаликлари тасарруфига берилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигининг асосий шакли бўлиб қолган фермерлик ҳаракатини кенгайтиришга кенг йўл очилаёпти. Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ишини ташкил этиш билан боғлиқ қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларда суюриладиган ерларга мутаносиб равишда белгиланган миқдорда чорва моллари бўлиши зарурлиги қоида тариқасида таомилга киритилганлиги юқорида таъкидланган - деҳқончилик ва чорвачиликни ўзаро чамбарчас ҳолда ривожлантириш тамойилидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Фермер ҳўжаликлари ишини ташкил этишда алмашлаб экиш ҳам ҳисобга олинмоқда.

Бу йўналишлардаги ютуқларни таъкидлаган ҳолда чорвачиликни ривожлантириш ва алмашлаб экиш масаласига бир қатор минтақаларда эътибор сўйсатилганини айтиб ўтиш зарур. Бунинг асосий сабабларидан бири туман, вилоятлар миқёсда ишни режалаштиришда беда, маккажўҳори ва бошқа озуқабоп экинларга кам ер ажратилаётганлиги билан изоҳланади. Оқибатда фермер алмашлаб экиш жадалига риёя этолмаяпти, чорваси учун етарли миқдорда озуқа жамғаролмаяпти. Шу ўринда вазиятдан чиқиб туриш мўҳим резервини кўрсатиш ҳоиз. Яъни ғалладан бўшган майдонларда иккинчи экин сифатида силос учун маккажўҳори ва озуқабоп лавлага етиштириш яхши натижа беради. Шунингдек, жавдар, третиқали, хашаки нўхат, перко, рапс каби оралиқ экинлардан тўйимли озуқа жамғариш мақсада мувофиқдир. Юқорида таъкидланган масалалар атрофида ўрганилиб, муаммо ечимни топилади, леган фикрдамиз.

Собиржон МАВЛОНОВ, чорвачилик мутахассиси.

Ўзбекистон далаларида яна бугун етилди. Кечай ям-яшил майсалар бугун олтин тусга кирди. Бепоён дала узра эсатанг жавзо насими бошқларни майин силайди. Халқимиз "миннатли ошдан беминнат тош яхши", деб бежиз айтмайди. Биз қисқа фурсат ичиде ғалла мустақиллигига эришдик. Энди ўзимизга етарли ғалламиз, ризқу насибамиз бор, номимиз беминнат.

Ўшанда аҳолига томорқа бериш нафақат иқтисодий-ижтимоий масала, балки мустақиллик сари ташланган илк сиёсий қадамлардан бири эканлигини ҳамма ҳам англаб етмаган эди балки. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида Президентимиз бошчилигида Миллий дастур ишлаб чиқилди. Ер ўз соҳиби - деҳқонга берилди, у дон экинларини унутмаган далаларга яна уруф сочди. Ўтган шу йиллар...

5613 минг тонна ҳосил кўтарилиди. Ҳосилдорлик ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 42 центнерга тўғри келди. Деҳқонларимиз шу миз пештахталарини кўз олдидингизга келтиринг: мактарон ва печенелар 3-4 хилдан усмасди. Бугунги кунда "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхоналарда (хусусий пазадлар, новой, кандолатчилардан ташқари) 180 дан ортик турдаги қандолатчилик, 107 хилдаги нон ва бошқа ун маҳсулотлари, 25 хилдаги мактарон тайёрланмоқда. Бу рақамлар халқнинг турмуш даражаси ўсиб бораётганидан яна бир далилат эмасми?!

Бугунги кунда, деҳқон ҳам кадр тоған юрт кут-баракалидир. Ўз ғалласига эга халқ - миннатдан нари бўлади. Мамлакатимиз ғаллазорларида ўрим-йғим авж галлага кирмоқда. Ҳаллакор ахли хирмон кўтариш ташвиши билан банд. Бугун барчанинг дилида бир тилак бор: хирмонингга барака, деҳқон элим!

Тоҳир ДОЛИЕВ, журналист.

коқилмасдан" давр синовларини енгиб ўтди, мўшук вазиридан чиқиб олди. Республикаимизда 1990 йили атиги 94 минг тонна дон етиштирилган, халқимиз эҳтиёжи учун зарур бугдўнинг 95 фоизи четдан келтирилган гўлса, бир йил ўтган, 790 минг гектарга акян майдонга уруф севилиб, гектаридан ўртача 11,9 центнердан, яъни 943 минг тонна ҳосил олинган эди. 2004 йилда эса 1300 гектар ғаллазордан жами...

мер М.Насриддинов, Асака туманидан пудратчилар М.Зокиров, А.Қодиров ҳар гектар ердан 102-110 центнердан ҳосил олишга эришилди. Улар каби миришкорлар эса мамлакатимизда жуда кўплаб топилади. Эътибор берсак, эндиликда ғаллазорнинг икки режаси бор. Биринчиси, у қанча ғалла етиштирилмоқчи. Иккинчиси, ҳосилнинг қанчасини давлатга сотмоқчи. Бир томондан давлатимиз бу борада таъминотини ўйлаш билан бирга, дон ва дон маҳсулотларининг арзон бўлишига ҳаракат қилмоқда. Деҳқон ҳам ортиқча донни ўзига олиб қилиб, манфаатдорлиги оқилишига, янада самарали ишлаб, ҳосилдорлиқни кўтаришга интиломоқда. Пироваврида давлатнинг ҳам, деҳқоннинг ҳам омбори донга тўлмоқда. Шу боис моддий нўмнат сифатида нон бизда қўшилларимизга нисбатан анча арзон. Мамлакатимиз - 26 миллион аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлаш, ортинги экспорт қилиш ана шундай тadbиркорлик билан амалга ошириляпти.

15-20 йил аввалги бозорларимиз расталарини, дўконларимиз миз пештахталарини кўз олдидингизга келтиринг: мактарон ва печенелар 3-4 хилдан усмасди. Бугунги кунда "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхоналарда (хусусий пазадлар, новой, кандолатчилардан ташқари) 180 дан ортик турдаги қандолатчилик, 107 хилдаги нон ва бошқа ун маҳсулотлари, 25 хилдаги мактарон тайёрланмоқда. Бу рақамлар халқнинг турмуш даражаси ўсиб бораётганидан яна бир далилат эмасми?!

Бугунги кунда, деҳқон ҳам кадр тоған юрт кут-баракалидир. Ўз ғалласига эга халқ - миннатдан нари бўлади. Мамлакатимиз ғаллазорларида ўрим-йғим авж галлага кирмоқда. Ҳаллакор ахли хирмон кўтариш ташвиши билан банд. Бугун барчанинг дилида бир тилак бор: хирмонингга барака, деҳқон элим!

Тоҳир ДОЛИЕВ, журналист.



Нишонда полиция ходимлари

Ироқ расмийларининг хабар қилишларича, сешанба кунин Арбил шаҳрида амалга оширилган қўпуровчилик оқибатида хизматга энди қабул қилинган йигирма нафар полициячи ҳалок бўлган.

Айни пайтда Бағдоддаги полиция маҳкамасидан бирига қилинган қуролли ҳужум туфайли ҳавфсизлик кўчларининг беш аскари ўлдирилгани ҳамда йигирмага яқини турли кўринишда жароҳатлангани хусусида ҳам айтилмоқда. Шунингдек, бу ерда камикадзеларнинг қўпуровчилиги натижасида ҳалок бўлаётганлар сони кундан-кунга ортиб бораётгани эътироф этилмоқда. Жумладан, яқшаба кунин Бағдод марказидаги рестороанларнинг бирида содир этилган портлаш йигирма уч кишини ҳаётдан олиб кетган, ўттиздан ортик одам қаттиқ яраланган. Амалга оширилаётган ҳудудшуликларнинг ақсарияти ҳавфсизлик кўчларига қарши қаратилаётгани эса террорчилар нишонда полиция ходимлари турганини очик-ойдин ошкор этмоқда.

Қидирув яқунланмайди

Кримнинг Кача қишлоғида рўй берган табиий офат туфайли 16 яшар россиялик қизнинг вафот этгани айтилмоқда.

Кача қишлоғи яқинидаги қишлоқдан тупроқ силжиши натижасида соҳилда дам олаётган йигирмадан ортик киши кўчки остида қолган. Украина фавқулодда вазиятлар вазири Давид Жанянининг таъкидлашича, ҳозирга қадар мазкур фожиа оқибатида жабрланганларнинг ўн олти нафари тупроқ остидан қавлаб олинган. Бироқ айни пайтда унга яқин кишиларнинг тақдирини ноъмалум бўлиб турибди. Яна бир россиялик аёл эса огир аҳволда Севастополнинг марказий шифонахасига етказилган. Вазирнинг сўзларига қараганда, "Украина фавқулодда вазиятлар вазирилик ходимлари офат оз берган ҳудудни кўтқарув ишлари яқунланмагунга қадар тарқ этмайди."

Нефт нархи тўшмоқда

Сешанба кунин Нью-Йорк қомаҳёсиде биржасида нефт нархи 59,37 доллар/баррелдан 58,90 доллар/баррелга тўшгани кўзатилди.

Соҳа таҳлилчиларининг фикрича, нефт нархининг қамайлари нефт ва нефт маҳсулотлари захираларининг топилиши билан боғлиқдир. Кеча АҚШ энэргетика вазирилик ушбу тижорий башорат юзасидан сўнгги маълумотини баён қилди. Манбаларга қараганда, сешанба кунин нефт нархи 1983 йилдан бунён қайд этилмаган рекорд кўрсаткич-бир баррелга 59,7 долларга кўтарилган. Бироқ, ушбу башоратдан сўнг нефт ва нефт маҳсулотларининг нархи анча қамайлани таъкидланмоқда. Шунга қарамай, келгуси тўрт ой моҳиятида нефт нархи муттасил ортиб бориши ва йил охирига қадар бир баррел 61 долларга етиши кўтилмоқда.

Чарчоқнинг оқибати

Сешанба кунин кечқурун Исроиқнинг Ашқелон шаҳри яқинидаги Кирьят-Гата ҳудудида юз берган фожиа сабаблари ўрганилмоқда.

ИТАР-ТАССнинг маълум қилишича, фожиага юк машинасининг икки сменадан бунён дам олмаган ҳайдовчисининг мудраб қолиши сабаб бўлган. Оқибатда юк машинаси пассажир поезди билан тўқнашиб кетган. Фожиа туфайли саккиз кишининг ҳалок бўлганлиги ва 180 дан ортик йўловчининг жароҳатланганлиги айтилмоқда. Жароҳат олганларнинг 74 таси зудлик билан қансалхоналарга етказилган. Уларнинг утчасининг аҳоли ўта огир, еттигасиники эса огир даражада эканлиги хусусида хабарлар тарқатилмоқда. Текшириш чоғида аниқланганича, бир неча кундан бунён кўнгилдагидек хордик чиқаролмаётган ҳайдовчининг бир неча соялага мудраши туфайли бошқарувсиз қолган юк машинаси йўловчи поездининг охириги икки вагонга бориб урилган ва натижада мазкур вагонлар рўлдан чиқиб кетган. Икки юзга яқин одам мажур қўрган ушбу тўқнашув мамлакат тариқхидида энг йирик фожиа, дея баҳоланмоқда.

Эътирозлар инобатга олинмади

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, Россия Олий суди Доғистон Олий суди томонидан 2004 йилнинг 11 ноябрида Гелеве тўдасига алоқадорликда айбланиб, узоқ муддатли қамоқ жаза-си ҳукм қилинган саккиз нафар жангарилар устидан чиқарилган ҳукмини ўз кучида қолдирди.

Йигирма йиллик қаттиқ режимидаги озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган Магомед Умаров ҳамда Хасан Хожиевларнинг адвокатлари томонидан киритилган кассацион аризада айтилган оқловлар ўз тасдиқини топмаганлиги туфайли олдинги ҳукмини ўзгартиришсиз қолдиришга қарор қилинган. Жангарилар "ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллариини жонига қасд қилиш" ҳамда "чегарани ноқонуний равишда кесиб ўтиш"га оид айбловларини рад этишдан ҳам мажур моддалар юзасидан оқлов ҳукми чиқарилишини сўрашганди.

Музокарага йўл... бор

Украина мазкур оғининг ўзимда иккинчи мартаба табиий газ билан боғлиқ муаммолар қирғидеда қолди, дея хабар қилади Vesti.ru сайти.

Бу ҳол Украина томони Туркменистон билан тузилган шартнома шартларини тўлиқ бажармаётганлига айбланмоқда. Келишувга биноан, украинлар Туркменистондан ҳорий йил давомида 36 миллиард кубометр миқдорда табиий газ олишлари ва унинг 4.1 миллиард кубометри Украина компанияларининг хизмати учун берилиши қайд этилган ҳамда қолган 31.9 миллиард кубометр табиий газ учун ҳақ тўланиши белгиланган эди. Бироқ бир томонламагина бажарилаётган келишув Туркменистонни қонқиртирипти. Зеро, Украина беш ойдан бунён мазкур ҳамқорига 500 миллион АҚШ доллари миқдоридега қомаҳёсиде етказиб бермаётти. Шунингдек, ҳозирга қадар Украинанинг табиий газ билан боғлиқ қарзлари 600 миллион АҚШ долларига етганлиги маълум қилинмоқда. Тарқатилган хабарларга қараганда, агар Тимошенко ҳукумати қарзларини тўламасда, Туркменистон томони табиий газ етказиб беришни тўхтаатади. Бу эса Украинада табиий газ танқислигини келтириб чиқариши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

INTERNET хабарлари асосида Хасан ТОШҲУЖАЕВ тайёрлади.

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО "O'ZDON" Юридический адрес: г.Ташкент, ул. Шахрисабзская 36. Существенный факт - 05 выплата дивидендов: Вид ценных бумаг: - акция простая, именная, безналичная - серия Q-0140-T2. - акция привилегированная, именная, безналичная, серия Q-0140-T2; Дата принятия решения - 22 апреля 2005 года. Дата выплаты дивидендов - с 17.06.05 г. по 22.06.05 г. Орган принимающий решение о выплате дивидендов по акциям - Общее собрание ОАО "O'ZDON". Размер начисленного годового дивиденда на 1 акцию: На привилегированную акцию - 25%, на простую акцию - не начислено. Общее количество акций: привилегированных акций - 1739 штук, простых акций - 57613 штук. Форма выплаты дивидендов - денежные средства.

"Қашқадарёдонмаҳсулот" ОАЖ акциядорлари диққатига! "Қашқадарёдонмаҳсулот" ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 4 июл кунин соат 15.00 да Қарши шаҳри, И.Муминов кўчаси, 68-уй, жамият мажлислар залида бўлиб ўтади. КҮН ТАРТИБИДА 1. Жамият Уставига киритилган ўзгаришларни кўриб чиқиш. 2. Жамият Уставига кенгаши таркибининг қайта сайлаш. Кузатов кенгаши

(Боши 1-бетда)
 - Қанақа ота-онасизлар, фарзандингиз учун ресторанга харажат қилсанглар, нима қилпти, "зато" бутун умр эслаб юради.
 - Опа, ҳали болаларимиз ёш, ўқини уйлашин, бунақа даб-дабалар ҳали шарт эмас-ку, деди Аброр деган боланинг ойиси.
 - Вой савил, орзу-хавасингиз йўқми, оповси, - дейди Малика опа кош чмириб...
 Айрим одамларнинг бундай маънавий қашоқлиги фарзандлари тарбиясига жиддий таъсир этпти. Тарбия икки нарсага: ахлоққа ва мулоҳазакорликка ҳам таянмоғи керак. Ахлоқ эзуликка тиргак бўлса, мулоҳаз

Тарбиянинг амал тоши

Ота билан қўшилишиб ичкилик ичадиган бола истиқболини қай даражада белгилайсиз? У бугун шундай қилади, эртага-чи?



закорлик ёмонликдан асрайди. Демак, ахлоқ ҳам, мулоҳазакорлик ҳам маънавиятга дахлдор сифатлар. Маънавиятга ҳаминда қандайдир одамлар бор - "фалончи дангиллама уй курди, туй қилди, фалон бўлди, бойиб кетди, мен ундан ўзишим керак", деган ҳаёлда юради. Дунё ишларини ўз қарчиги билан қарчилади. "Олтин балчиқ" ҳаёл қилганидек, ҳаёт дегенини қўлмақдан иборат, деб ўйлайди.

Оғриқли нуқталар...

Хар қайсини хар кун ўзини шундай савол бермоғимиз жоиз: фарзандларим тарбияси учун бугун қандай иш қилдим?
 Шубҳасиз, тарбия оиладан бошланади: оиладаги муҳитнинг нечоғли соғлом ё носоғломлиги кўп нарсага белгилайди. Хар кун уруш, жанжаллар аримайдиган хонадон фарзандидан нимази кўтиш мумкин? Бундай муҳитда бола аламзада, жоҳил бўлиб ўсади, ёшигиданок қалби жиссиз бўлиб қолади. Натижада эса тарбияда дарз кетади... Ота билан қўшилишиб ичкилик ичадиган бола истиқболини қай даражада белгилайсиз? У бугун шундай қилади, эртага-чи?
 Маънавияти бор одам фарзанди моддий нарсаларга берилиб кетишидан эҳтиёт бўлади. Аччиқ бўлса-да, айтмоқ жоиз. Дейлик, сизнинг ўғлингиз (ё қизингиз)да унча-мунча одам боласига олиб беролмайдиган

нрсалар бор. Бола-да, ўртоқларига ўшани кўз-кўз қилиши табиий. Бунга имконияти йўқ ота-она азоб чекади. Бола эса эзилди, тушунмади... Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ота-онанинг имкониятсизлигидан бола уларни ёмон кўра бошлайди, баъзилари ёмон йўлларга кириб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўқувчиларнинг, айниқса, ёш-ёш қизлар орасида сигарета чеканларнинг борлиги яна бир оғриқли нуқта. Ўйлаб қолсан киши: бунақада эртага нима бўлади?

Жангари кинолар таъсири...

...Рингда икки киши уришапти. Иккала томондан ҳам хайрихоҳлар бор. Лекин битта нарсага тушуна олмайсиз: бу на қаратга, на бошқа спорт турига дахлдор. Хуллас, беаёв муштлашишу тепалашилар... Бир вақт бирини тегиб яганини синдириди. Кейин узала тушиб ётиб қолган рақибни иккала овғи билан устига сакраб тушиб, белни синдиради. У шу билан қониқиб ҳосил қилмади. Қўзларни қонга тўлган "ғолиб" тишларини гижирлатиб, ғайритабиий овоз билан мағлуб кўкрагига чанг олади ва юрагини сугурига олиди...
 Бу сюжет ёвузлик билан йўрилган киноларнинг биридан лавҳа, холос. Шунча киноларга болаларда иштиёқ балинд. Булар

кўпинча Россия телеканаллари ва видео, интернет-кафелар, кассеталар орқали кўрсатилаётти. Буни кўрган болада ёвузликка мойиллик уйғонади, кучли бўлишни у шундай тушунади. Кейин кино "кахрамон"ларига тақлидан ҳаракат қилади. Бор гап, ҳаётини ҳақиқат шундай.
 Ана шундай таъсирлар туфайли Россия шаҳарларидаги айрим ёш-ёш мактаб ўқувчилари орасида ҳам "саҳизм"га мойиллик учраб турганини маълумотлар орқали билаямиз. Қўлимда "Дунё ангилликлари" ("Мир новостей") газетасининг ўтган йилги сонларидан бири. "Дарсдан кейинги қотиллик" деб номланган мақола шундай жумлалар билан бошланади:

"Биз мактабдамыз"

- Бу болалар хар томонлама ахши эди, - дейди Волгоград области Урюпинск шаҳридаги ёш садистлар ўқиган мактаб ўқувчиси. - Уларнинг нима учун бундай қилганиларига ҳеч ақлимиз етмапти.
 Уч ўқувчи: 9 ёшли Костя, 13 ёшли Максим ва Роман. Бу болалар ўзига тўқ, обрўли оилаларда яшашди. Бу "одобли болалар" бир ҳафта мобайнида 56 яшар уйсиз - Дмитрий Прахичевни аёвсиз қийнашган, зулм ўтказишган.
 Хар жойда яшаб юрган Дмитрий Прахичев сўнгги вақтларда Урюпинск шаҳридаги қурилиши тугалланмаган завод корпусларидан бирида яшаб келаятганди. Болалар уни шу ерда қўриб қолишди. Ва ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ таъйик ўтказма бошлашди.

- Биз уни кўрганимизданок уришга қарор қилдик, - дейди Роман суриштирув ишларида. - Узоқ ва қаттиқ урдик. У раҳм қилишимизни сўраб ялиқди. Биз эса қулдик. У қаттиқ оғриқдан азоб чекарди, бизга эса бу жуда ёқди. Қачонки бутун вужуди қонга беланиб ўладиган аҳволга келган, биз қониқиб ҳосил қилдик...
 Бу болалардан ижтимоий сўров ва тадқиқотлар ўтказилиши натижасида шу нарса маълум бўлган: Болалар жангари фильмларга ўч. "Сизингча, энг яхши кинолар қайсилар?" деб сўраганида улар баб-баравар ёвузлик ва қонқўрлик акс этган

бир неча киноларни санаб берилган".
 Энди ўзингиз айтинг. Жангари фильмлар кўраётган болаларимиз ҳам ана шу каби таъсирларга тушиб қолмайди, деб ким қафолат бера олади?..
 Модомики, гап хар хил жангари киноларнинг бола тарбиясига кўрсатаётган таъсири хусусида кетар экан, ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган баъзи бир сериаллар хусусида ҳам бироз тўхталмоқ жоиз. Бир нарсасига тушуна олмайсиз: айшу ишатрга мукка тушган, ярим яланғоч аёллар воситасида талкин этилаётган майда-чуйда силлавий иқир-чиқирлар, маиший жоғароларни кўрсатишдан муддао нима экан? Буларни одамлар оила даврасида кўришлари нақадар аянчи...

дан тиймоғи керак. Хар ҳолда у нарсалар дунёқарашни белгиламайди.
 Баъзи талабаларнинг қириштуриши, савияси ўқув юртига ўз кучи билан қирганлигига шубҳа уйғотади кишида. Бўлса бордир... Туриси, бундайлар ҳаминга, пойтахтнинг марказида жойлашган олий ўқув юртиларидан бирида ўқийдиган талабалар. Чўнтақда истаганча пул, қўлда "сотка" ... Айрилари ўқишга машинада келишади. Хар кун катта йўл ёқасидаги тротуарда ўнлаб турли русумдаги автомобиллар туради. Уларнинг аксарияти талабаларники. Фарзанд тарбияси учун "жонқур" ота-оналар "болам бировдан кам бўлмасин", деган "савия"да олиб бе-



Мешчан талабалар

Юқорида айтганимиздек, ота-она фарзандини, таъбир жоиз бўлса, моддийлашувидан, бошқалардан ажралиб туриш максатида қиладиган хатти-ҳаракатларишган.

Хотима... эмас

Мавзуга бир мақола доирасида нуқта қўйиб бўлмас. Ёзганларимиз тарбия хусусида айтилиши керак бўлган гаплардан бир томчи, холос. Албатта, буларни қатъий ҳужм эмас, мулоҳаза тарзида қабул қиларсиз, деган умиддамиз. Лекин, нима бўлганда ҳам бир муддао бор. Келажак авлодини, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимизни "...биздан ҳам билимли, ақли..." кўрмоқ учун мен ҳам, сиз ҳам, ҳаммамиз масъулмиз. Буни унутиб бўлмайди!..

Илхом ҚАРОМОВ

SPORT O'LAMIDA

"Пахтакор" яна мағлубиятга учради

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати мurosасиз баҳслар остида ўтмоқда. Аввалги мавсумлардан фарқли ўлароқ бу йил чемпионлик учун бир эмас бир нечта жамоа курашмоқда.

Бу ҳолатни турдан-турга қайд этилаётган қўтилмаган натижалардан ҳам кузатишимиз мумкин. Ўтказилган 10-турнинг марказий ўйини "Нефтчи" ва "Пахтакор" ўртасида бўлди. Кескин курашлар остида кенга учрашувда фарғоналик футболчилар амалдаги чемпион "Пахтакор" устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу "Пахтакор"нинг ўтиб бораётган чемпионатдаги иккинчи мағлубиятидир. Олий лигада пешқадамлик эса Қашқадарёнинг икки жамоаси "Насаф" ва "Машъал" томонида. 10-турда "Насаф" "Тупаланг"ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, "Машъал" пойтахтнинг яна бир жамоаси "Трактор"дан 2:1 ҳисобида устун келди. Олинги турда "Насаф"ни 1:0 ҳисобида доғда қолдирган "Навбахор" эса бу сарфар мағлубиятга учради. "Металлург"га қарши тўп сурган наманганлик футболчилар Марвур Пулатовнинг автоголи ҳисобига ўйинни 1:0 ҳисобида бой берди. Яна икки учрашувда эса қуйидаги натижалар қайд этилди. "Сўғдиёна"-"Шўртан" - 2:1, "Қизилқум"-"Самарқанд-Динамо"-3:1, "Локомотив" ва "Бухоро" учрашуви ноқулай об-ҳаво бўлганлиги учун 5 июлга қўчирилди.

Осиё чемпионати бўлаклари

19 июн куни Ислмободда волейбол бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати якунланди.

Пакистон пойтахтига бу мусобақада иштирок этиш учун Осиёнинг етти давлатидан чемпион жамоалар етиб келди. Мусобақаларда ватанимиз шарафини "Ўзи-Сам-Телеком" клуби волейболчилари ҳимоя қилишди. Бир ғалаба ҳамда беш мағлубиятга учраган спортчиларимиз бешинчи ўринни эгаллади. Соверини ўринларини эса "Рохат" (Қозоғистон), "Сайно" (Эрон) ва "Шанхай" (Хитой) жамоалари қўлга киритишди.
 Мезбонлар вакили "Хабиб Банк" клуби эса 10 очко билан тўртинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон биринчилиги

Республика шохмат-шашка клуби залида шохмат бўйича фахрийлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Республика камизининг тўрт вилоятдан 18 нафар шохматчи иштирок этган қизиқарли мусобақалар якунида тошкентлик "ақл гимнастикаси" устаси Константин Малиничев 7,5 очко жамғариб ғолибликни қўлга киритди. У мусобақа давомида олти ғалаба ва уч дурангга

эришди. Энди Константин Малиничев кузда Германияда ўтадиган жаҳон чемпионатида ўз омадини синаб кўради.

Иккинчи ва тўртинчи ўринларни андижонлик Эркин Қаримов ҳамда пойтахтлик шохматчилар Искандар Бакиров ва Сергей Федяшинлар қўлга киритди. Бу учала фахрий шохматчи мусобақа давомида етти очкодан жамғарди.

Аёллар мурожаати

Эронлик аёллар ҳокимиятга уларга спорт мусобақалари даврида трибуналардан томоша қилишга рухсат беришларини сўраб мурожаат қилган.

РИА "Новости" Эрон аёллар ассоциацияси маълумотлари асосида тарқатган хабарларига кўра бу масалада илк ижобий жавоб олинган. Лекин бу фақат битта учрашув учун холос. Яъни бир неча кундан сўнг Техронда ўтадиган волейбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида трибуналардан аёл мухлислар ҳам жой олади. Бунга Эрон волейбол федерацияси ҳам ўз хайрихоҳлигини маълум қилган.

Эрондаги мавжуд қонунларга кўра аёллар спорт мусобақаларини трибуналардан кузатиши тақиқланган ва ҳозирги кунларда мамлакатдаги аёллар ташкилотлари бу меъёрдан воз кечиш илжини билан ҳужуматга мурожаат қилиб келмоқда.

Шунингдек, бир эркак мухлиснинг фикрича, мусобақалар вақтида трибунадан аёллар жой ола, уларнинг жамоаси, албатта, мағлубиятга учаркан.

Янги рекорд

Ямайкалик спортчи Асафа Пауэлл 100 метрга югуриш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди.

Афинадаги Олимпиада стадионида ўтказилган Халқаро энгил атлетика федерациясининг



Гран-при туркумига кирувчи мусобақаларида Асафа Пауэлл 100 метрлик масофани югуриб ўтиши учун 9,77 сония вақт сарфлади. Олинги рекорд соҳиби эса америкалик Тим Монтомери эди. Унинг кўрсаткичи 9,78 сония. Қизиқарлиси, мусобақадан олдин Пауэлл албатта 2002 йил Монтомери томонидан ўрнатилган рекордни "чилларчин" қилишини айтиб ўтган.

100 метрга югуришнинг сўнгги рекорд натижалари:
 9,84 : Бейли (1996)
 9,79 : Грин (1999)
 9,78 : Монтомери (2002)
 9,77 : Пауэлл (2005)
 Эътиборлиси, ушбу масофада спортчилар рекордни хар уч йилда ўзгартиришмоқда.
Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Азиз ҳамюртлар!

"Пахта Банк"нинг 17 турдаги юқори фоизда даромад тўланадиган жамғарма ва муддатли омонатларидан фойдаланинг!

Сизларни банкимиз миждозлари орасида кўришдан бағоят хурсандмиз!

Энди **"Пахта Банк"** Сизлар учун яна янғисини, янада манфаатли ва қулай бўлган, йиллик 35 фоиз даромад тўланадиган **"Саломатлик"** муддатли омонатини таклиф этади!

Омонатга маблағлар 3 ой муддатга сақлаш шарти билан, шу йилнинг 31 июлига қадар қабул қилинади!

Омонатнинг бошланғич бадал миқдори 100 минг сўм

"Пахта Банк" – Сиз учун ишлайди, маблағингизни кафолатли сақлайди ва кўпайтиради!

Маблағингиз **"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш"** фонди томонидан кафолатланганлигини ҳам эсдан чиқарманг!

"ПАХТА БАНК" ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

"Пахта Банк"нинг исталган филиалларига мурожаат қилинг!

Муҳтарам юртдошлар!

"Асака" ДАТ банки

Сизларга таътил мавсуми муносабати билан янги муддатли омонат турини тақдим қилади

"Сайёх"

Омонатнинг сақланиш муддати 45 кун йиллик 35 фоиз ҳисобланади.

Ушбу омонат турини истаган банк филиалида 2005 йил 1 июлигача очиб мумкин.

Банкдаги барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-84-08, 57-85-15, 120-83-14.

Газетанинг навбатдаги сони 27 июн, душанба куни чиқади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Озод ШАРОФИДИНОВ, Агитай АДИЛОВ, Комижон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплексини таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият – 133-95-17, Реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс – 133-44-43, 133-40-87	ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Кораклпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Наманган – 8-369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сулқондарё – 8-376-46-626-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ Саҳифаловчилар: А.ИСМОИЛОВ, Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ Мусаҳҳих: М.АБДУСАМАТОВ
--	---	--	--	--	---	---	--